# Маҳалладош

Яккасарой туманида ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш борасида ибрат бўлишга арзигулик ишлар амалга ошириляпти. Туман маҳаллаларига ўз ишига пухта, тадбиркор, зукко оқсоқоллар бош бўлиб, ҳар бир ишни баҳамжиҳат, аҳилликда бажаришмоқда. Туман ҳокимининг ўринбосари Ҳикматулла Охунжонов «Маҳалла» дастури бўйича қилинган ишлар юзасидан қуйидагиларни гапириб берди: — Туманимизда 17 та маҳалла жойлашган бўлиб, уларда 120 минг аҳоли истиқомат қилади. Деярли барча маҳаллаларни кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ташкил этади. Оқсоқоллардан Абдувоҳид Қодиров, Комил Муҳамедов, Исмоил Қурбонов, Карим Жумабоев,

*Дастур қандай бажарилмоқда?*

## ОДАМЛАР МАМНУН БЎЛСА БАС

Обиджон Толипов, Рихситилла Абдуллаев, Ориф Алимаҳсумов, Солиҳ Аюпов, Аъзам Юсуфхўжаев бошчилик қилаётган Ўрикзор, Абдулла Қаҳҳор, Бошлиқ, Бобур, Қушбеги, Конституция, Яккасарой-1, Яккасарой-2 ва бошқа кўплаб маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар эътиборга молик. Ишбилармон оқсоқоллар «Маҳалла» дастури юзасидан режалаштирилган ишларни бажаришда бизга доимо мададкор бўлмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ана шундай жамоалар ўз гузарларига эга бўлдилар. Туманимиздаги барча маҳалла идораларига телефон ва радио ўрнатилган.

1995 йилнинг биринчи ярмида ҳар бир хонадоннинг фаровонлигини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва эски сув қувурларини таъмирлаш ишлари Абдулла Қаҳҳор, Яккасарой—1, Яккасарой—2 маҳаллаларида олиб борилди. Оқава сув қувурлари ўтказиш 3 километрга яқин узунликда Тепа маҳалласининг Горбунов, Шпилкова кўчаларида, Ракат маҳалласидаги Муқимий, Шота Руставели кўчаларида ҳамда Яккасарой—1 маҳалласидаги 50 фоизга яқин хонадонда амалга оширилди. Қушбеги, Абдулла Авлоний, Ракат ва Ўзбекистон 50 йиллиги маҳаллалари кўчаларида 5 километрга яқин электр тармоқлари тўла таъмирдан чиқарилди. Маҳаллалар бўйича 80 фоизга яқин кўчаларда электр ёритгичлари янгиланди. Асфальт ётқизиш, кўча ва йўлакларнинг мукаммал таъмири Саломатина, Бобоев, Абдулла Қаҳҳор, Фарҳод, Муқимий кўчалари, Бошлиқ ва Абдулла Қаҳҳор маҳаллаларида амалга оширилди.

Тепа, Тўқимачи, Яккасарой—1 маҳаллаларидаги 20 хонадонга телефон ўтказилди.

Маҳаллалардаги барча суғориш шохобчалари тўла таъмирдан чиқарилди. Маҳалла кўчаларини кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор берилди. Дамариқ ва Конституция маҳаллалари аҳолиси замонавий ва барча қулайликлар яратилган маҳалла гузарига эга бўлдилар.

Маҳаллаларни ободонлаштириш ишларига фаоллар четдан ёрдам кутиб ўтирмай, кўп ишларни ўз кучлари билан бажармоқдалар. Абдувоҳид Қодиров бошчилик қилаётган Ўрикзор маҳалла фаоллари ҳамкорлиги оқибатида «Гулпарих» номли миллий кийимлар тикиш кичик корхонаси, шунингдек мева-сабзавот дўконлари, автомобилларни тузатиш устахонаси, гўшт дўкони, сартарошхона, пойабзални ремонт қилиш устахонаси қуриб битказилди. Абдулла Авлоний маҳалласида миллий таомлар тайёрлаш ошхонаси ишга тушди. Яккасарой—2 маҳалласида «Дилбар» тикувчилик кичик корхонаси иш бошлаши муносабати билан кўпгина уй бекалари ва қизлар иш билан таъминланди.

Режалаштирилган ишларнинг амалга оширилишида «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими ҳамда ҳудудларда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарининг бевосита ёрдамлари катта бўлмоқда. «Ўрикзор» маҳалласи бошлаган ташаббусни бошқа жойларда ҳам қўлламоқчимиз. Улар маҳалла ҳудудида жойлашган қўшма корхоналар билан тузган шартномаларига кўра ўзаро ёрдам ишларини бошлаб юбордилар. Маҳаллада ўтказиладиган ҳар бир тадбирда корхоналар моддий ёрдамларини аямайдилар. Маҳалла эса ўз навбатида уларга керакли жиҳозлар ҳамда ободонлаштириш ва тозалик ишларини бажаришда беназир ёрдамлари билан жавоб берадилар. Бугунги кунда Ракат, Қушбеги, Абдулла Авлоний маҳаллаларида гузар қурилиши давом этмоқда. Аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб Яккасарой — 2 ва Бошлиқ маҳаллалари ҳудудида Германиянинг «Винклер» фирмаси томонидан келтирилган жиҳозлар ўрнатилган нонвойхоналар қуриб битказилди.

Йил охиригача ижтимоий соҳада яна кўп ўзгаришлар қилишни режалаштирганмиз. Улардан одамлар мамнун бўлса бас.

Дилбар ЗИЁДОВА ёзиб олди.

*Ҳашар — юртга ярашар*

## ҚАЛБЛАР САЙҚАЛ ТОПДИ

Азалдан маҳаллаларда кўчалар, майдону хиёбонларни озода, саранжом-саришта сақлаш ҳар бир кишининг кунлик ишига айланган. Ҳамза тумани Янгиобод даҳасидаги 12 маҳалланинг аҳиллиги ҳам кўп ишларни биргаликда бажаришларига имкон яратмоқда. Улар ҳашарни доимо бир пайтда бутун даҳа бўйлаб бошлашади. Тўй-маросимларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказиш, катта сарф-харажатларга барҳам бериш ишларини биргаликда ҳал қилишади. Бунга албатта маҳаллалар орасидаги аҳиллик туфайли эришилмоқдаки, уни бўлиб ўтган «Ота Мозор» қабристонида уюштирилган ҳашарда ҳам кўриш мумкин бўлди.

Ҳашар ташкил қилишда айниқса Гулистон, Ҳамза, Худойбердиев, Назаров ва Нодирабегим маҳаллалари аҳли уюшқоқлик кўрсатдилар. Ўша куни ҳар битта қабр тозаланди. Атроф саранжом-саришта ҳолга келтирилди. Дарахт шохлари буталди. Ариқлар тозаланди. Қабристондаги ҳашарнинг яна бир хусусияти шу бўлдики, унда катта, улуғ ёшдаги мўйсафидлар билан бирга ёш-яланглар иштирок этди. Бундай тадбирларга ёшларни жалб этиш уларда оталар ишини, анъаналарини давом эттказишга кўникма, ишонч ва уқув ҳосил қилади. Ўша куни ҳашарда қатнашган ҳар бир маҳалла аҳлининг қалби сайқалланди, руҳи тетиклашди.

Неъматилла ҲАСАНОВ,
Ҳамза туманидаги Нодира маҳалласи оқсоқоли.





*Бугунги кунда Мирзо Улуғбек туманида маҳалла гузарларини бунёд этиш ишлари кенг кўламда қулоч ёйган. Уларнинг аксарияти республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллигини нишонлаш арафасида очилади.*

*СУРАТЛАРДА: «Дўстлик» ҳамда «Олимлар» маҳаллаларида гузарлар қурилиши авж паллада.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида маҳаллалар фаолиятини янада ривожлантириш, уларни кам таъминланган оилаларни моддий таъминлаш ишларига фаол қатнашишларига эришиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Бу борада Мирзо Улуғбек туманидаги бандлик хизмати ходимлари маҳаллалар оқсоқоллари йиғини билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганлиги сабабли анча ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Улар ҳар бир ишни амалга оширишда маҳалла қўмиталари кучидан самарали фойдаланмоқдалар. Айниқса, маҳаллалар ҳудудида яшайдиган аҳоли ўртасида ишсизлар сонини аниқлаш, уларни меҳнат биржаларига жалб этиш, иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларнинг моддий таъминотини яхшилаш соҳасида маҳалла оқсоқоллари ҳамда фаолларининг ўрни ва хизмати катта бўляпти.

Иш билан бандлик хизмати мутахассисларининг маҳаллалар билан узвий иш олиб боришлари натижасида туман корхона, ташкилот ва муассасалардаги бўш ўринларнинг ҳисобигагина эмас, балки маҳаллалардаги ишсизлар сонини ҳам аниқлаш имкониятига эга бўлинмоқда. Булардан ташқари маҳаллалардаги йиғилишларда кичик корхоналар очиш ҳақидаги таклиф ва мулоҳазалардан хабардор бўлиб, уларни ҳал қилиш йўлида аниқ иш олиб бориш имкониятига эга бўлинмоқда. Ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган кишилардан, айниқса ногиронлар, ўрта мактабни битириб бирор ҳунарни эгаллашга улгурмаган ёшлар, армия сафидан бўшаб келган йигитлар, уй бекаларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор билан

*Иш билан бандлик*

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ КЎМАГИДА

ёндошилмоқда. 1994 йилда маҳаллаларда 38 та кичик корхоналар очилиб, 510 дан ортиқ иш жойлари ташкил этилди. Буларга нонвойхона, тикувчилик цехи, сартарошхона, косибчилик, пойабзалларни таъмирлаш устахоналари, техник асбобларни тузатиш, майда савдо-сотиқ тармоқлари ва бошқалар мисол бўла олади. Шу жумладан, тикувчиликда 147 та иш жойи, майда ҳунармандчиликда 30 та, савдо тармоқларида 29 та, нонвойхона ва миллий таомлар тайёрлаш ошхоналарида 220 тадан ортиқ иш жойларини айтиб ўтиш мумкин. Иш билан бандлик хизмати мутахассислари 1995 йилда ҳам маҳалла фуқаролари йиғини орқали ана шундай усулда иш жойлари ташкил этиб, уларни кенгайтириш ва уларга кўплаб кишиларни жалб қилиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Сайдулло Сархўжаев етакчилик қилаётган «Бўз-2» маҳалласида тикувчилик цехи ташкил этилиши натижасида12 дан ортиқ маҳалла аёллари ва қизлари иш билан таъминланди. Норбой Бекназаров оқсоқоллигидаги Олимлар маҳалласидаги тикувчилик кичик корхонаси ишга тушиши муносабати билан 20 та ишсиз аёллар ўз иш жойларига эга бўлдилар. Шунингдек Дархон, Олтинтепа, Файзулла Хўжаев, Авайхон, Бешкапа, Аҳиллик, Ойбек, Бобур, Мустақиллик, Ҳумоюн маҳаллаларида 2—3 ўринли нонвойхоналар, Уйғониш маҳалласида 6 ўринли техника асбобларини тузатиш устахонаси, Гулзорда 2 ўринли дурадгорлик устахонаси, Олтинтепа — 10, Дўстлик, Ўзбекистон маҳаллаларида гўшт дўконлари ташкил этилди.

Булардан ташқари иш билан таъминлашга ҳамкорлик қилиш жамғармаси ҳисобидан «Максим», «Кўк бургут», «Ёқут», «Саноатмаишийтехника» кичик корхоналари ташкил қилиниб, бу корхоналарда 85 та киши меҳнат қилмоқда.

Дилрабо ЗУҲУРОВА.

Баъзан қайнона билан келиннинг бир-бирига тушуна олмасдан рўзғорнинг баракасини кетказишига ҳайрон қоласан киши. Келинга-ку майли, ҳали у ёш. Кўпни кўрган қайнона ўнги билан сўлини ҳали таниб улгурмаган келин аталмиш бировнинг қизига уйнинг пастбаландини, ҳол-аҳволини ўргангунча ёрдам бериб, яхши хислатларини ошириб, ёмон томонларини яшириб, яхши сўзлаб, ўзига тортса олам гулистон. Аммо баъзи қайноналар, ҳаёт сўқмоғига энди қадам қўйган келинига «ундай қилмадинг», «бундай қилмабсан» деб орага совуқлик туширади.

Шу билан бирга қайнонасининг ножўя сўзини эшитса ҳам эшитмаганга олиб, «ойижон»лаб турадиган ақли расо келинлар ҳам бор.




## КЕЛИН ЭМАС— ҚИЗ

— Мен 20 ёшимда турмушга чиқдим, — дея сўз бошлайди Донохон исмли келин менга ёзган хатида.

— Бахтимга қайнонам ҳаётни тўғри тушунадиган, ўта камтар, оқила киши эканлар. Келин бўлиб тушган кунимдан бошлаб, менга ўз қизидай қарадилар. «Она қизим» деб, гиргиттон бўлиб, ҳар бир ишнинг йўл-йўриғини тушунтириб, ёрдамлашиб юрдилар.

Қўни-қўшнилар қайнонамнинг бозор-ўчарга кетаётганларини, қозон-товоқ юваётганларини кўриб: «Оғиримни енгил қилади, ишлатаман деб келин олади одам. Нима, кетиб қолади деб қўрқасизми?» деганларини кўп эшитганман. Шунда қайнонам: «У ҳам бировнинг қизи. Ишдан чарчаб келганда бир оз дам олсин дейман. Ишлаб ўрганиб қолганман. Менинг ташвишимни қилмай қўя қолинглар», — деб жавоб берардилар. Мени қайинсинглимдан кам кўрмадилар. Шундай меҳрибон, ширинсўз одамни қандай ҳурмат қилмайсан, киши.

— Келин бўлиб тушган йилим ўқишга киролмадим, дея хатини давом этади Донохон. — Турмуш ўртоғим «Ўқишингизни сиртдан давом эттира қолинг» дедилар. Қайнонам ҳам рози бўлдилар. Иқтисодиёт университетининг бухгалтерлик бўлимига сиртдан ўқишга кирдим. Шунда ҳам баъзилар «Келинни кўчада ясан-тусан қилиб юришга олганмисиз. Аёл киши ўқиб олим бўлармиди» дейишганда ҳам қайнонам менга: «Болам, бировларнинг гапига қулоқ солманг. Ҳозирги замон ўқиганники, ўқинг, қатордан қолманг» деб кўнглимни кўтарардилар. Қани эди, ҳамманинг ҳам қайнонаси шундай бўлса.

Оиланинг бирлигига, ҳамжиҳатлигига нима етсин. Барака бирликда. Қайнонасини ўз онасидан зиёд кўрадиган, меҳнатсевар, билимдон Донохон ҳозирда жамоасининг эъзозли, ҳурматли хизматчиларидан бири. Турмуш ўртоғи Қосимхон савдо техникумида ўқитувчи. Икковлари Меҳри аядан ҳаёт дарслигини ўрганишяпти. Ана, кўрдингизми азизлар, бир оғиз ширин сўз нималарга қодир.

Донобува сўзларини
Қидирбой ТЎЛАБОЕВ
оққа кўчирди.

*Туман бўлимларида*

## ЭЪТИБОРГА МОЛИК ИШЛАР

Маҳаллалар қадим-қадимдан шарқона яшаш, миллий урф-одатлар, анъаналар, халқ удумлари тўла акс этган пурҳикмат жой бўлиб келган. У кишиларни иймон-эътиқодли, меҳр-шафқатли, элу юртга садоқатли тарзда тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этган. Маҳаллалар аҳоли тинч-осойишта яшайдиган, оилалар мустаҳкам бўладиган жойдир. Маҳалла фуқароларининг ўз-ўзини бошқариш органи ташкил топгандан сўнг улар ҳуқуқий мақомга ҳам эга бўлдилар. Улар ўз ҳудудларида ўз-ўзини бошқарув органи асосида аҳоли тинч-тотувлиги, ободончилик йўлида самарали иш олиб бормоқдалар. Туманимизда Бектемир, Бузовчи, Маърифат, Роҳат, Чашма, Бинокор, Обод, Мажнунтол, Миришкор, Зилола, Олим Аширов, Мустақиллик номли жами 13 та маҳалла фуқароларининг ўз-ўзини бошқариш органи ташкил топган. Маҳаллалар ўз низоми ва дастурига эга.

Бектемир тумани ҳокимлиги маҳаллаларнинг молиявий базасини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳозирда маҳаллаларда 3 гузар ишлаб турибди. Яна 3 та гузар қурилиб битказилмоқда. Жамиятимизнинг янги бошқарув органи бўлган маҳаллалар ўзининг самарали меҳнатлари билан аҳоли ўртасидаги талайгина муаммоларни ҳал қилмоқдалар. Республика Президентининг Фармони билан кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга моддий ёрдам беришни ташкил қилиш ҳуқуқи фақатгина маҳаллаларга берилган. Ҳозирги кунда туманимизда 677 кам таъминланган оила бўлиб, ҳар ойда жами 206900 сўм моддий ёрдам олмоқдалар. Халқимизнинг кўҳна урф-одатларини тарғиб қилишда, маҳалла фаоллари ҳар доим хизматда. Аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш, зироатлантириш, кўп қаватли уйлар йўлакларининг санитария ҳолатини яхшилашда маҳалла фаоллари фаол хизмат қилмоқдалар.

Нотинч оилалар, вояга етмаганлар билан ишлаш ҳам оқсоқоллар диққат марказида. Бу масалада «Мактаб — Оила — Маҳалла» ҳамкорлиги қўл келяпти. Вақти-вақти билан нобоп оилалар ва вояга етмаган ўсмирларни маҳаллада муҳокама қилиб, тартибга чақирилади. Бектемир, Бузовчи маҳаллаларининг ишлари бу соҳада ибратлидир.

Туроб ЖЎРАЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамғармаси
Бектемир туман бўлими
раиси.

*Бу киши — биздан*

## КАМАРБАСТАЛАР

Юнусобод туманидаги Бодомзор маҳалласида 420 га яқин хонадон бўлиб, уларда 2000 дан ортиқ турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Маҳаллада ҳар бир айёмни кўнгилдагидек ўтказиш учун фаоллар билан келишилган ҳолда махсус тадбирлар ишлаб чиқилади.

— Маҳалладаги ҳар бир тадбирни, тўю маъракаларни камчиқим, камтарона ўтказишга бош-қош бўлиб келаётганлардан бири Болтошхон Қосимов билан Жалол Файзиевлардир. Уларни маҳалладошлар камарбасталар, дейишади.

Болтошхон ака армия хизматидан қайтгач темирйўл транспорти соҳасида 34 йил вагон кузатувчиси бўлиб ишлаган. Жалол ака эса «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги» ишлаб чиқариш бирлашмасида 45 йил токарлик қилиб нафақага чиққан.

Болтошхон ака билан Жалол акалар баъзи қарияларга ўхшаб уйда тинч-осойишта ўтиришни хоҳламай, эл-юрт, маҳалла ташвишларига камарбаста бўлишга аҳд қилишган. Мана, 15 йилдирки, ушбу эзгу мақсад йўлида холис хизмат қилиб келишмоқда. Улар ҳар бир оиланинг тўю маъракасига бош-қош бўлиб, беминнат хизмат қилишади.

Маҳалланинг етти яшардан етмиш яшаригача ҳурмат қиладиган Болтошхон ака билан Жалол акани нафақат маҳалладошлари, балки бодомзорликлар билан чегарадош Ғиёс Умаров, Мингўрик, Мирзо Юсуф, Фирдавсий номли маҳаллаларнинг аҳолиси ҳам яхши танийди. Ҳар ким ҳаётда ўзидан муносиб из қолдиришга, эл-юрт орасида меҳр-муҳаббат қозонишга ҳаракат қилгандек бодомзорлик камарбасталар ҳам ана шундай фазилатга эга бўлган кишилардир.

— Маҳалладошларимизнинг тўю-маъракаларига бош-қош бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилиб келаётган бундай олийҳимматли фаолларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди,— дейди маҳалла фуқаролар кенгаши котиби Шоасил Насритдинов.— Уларнинг издошлари Шукрулло Умаров, Фатхулла Абдуллаев ва бошқалар меҳмонлар иззатини жойига қўйишда устозлари тажрибасини амалда намоён этмоқдалар.

Эл-юрт иши учун камарбаста отахонларимизга фарзандларингиз, набираю эвараларингиз орзу ҳавасини кўринг, оилангиз, қолаверса, маҳалладошларингиз бахтига омон бўлинг, дегимиз келади.

Эркин ТЎЛАГАНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Миробод туманида шундай бир маҳалла бор. Унинг аҳил кишилари ҳақида, олиб борилаётган ибратли тадбирлар тўғрисида одамлар оғизларидан бол томиб гапиришади. Ана шу уюшқоқлик туфайли кейинги вақтларда меҳр-шафқат, хайрия йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек энг асосий юмушлар ҳашар йўли билан бажарилмоқда. Маҳаллада 4 та оталар чойхонаси бўлишига қарамай, иш юритиш ва ишларни амалга ошириш учун аниқ қўнимгоҳ йўқ эди. Шунинг учун кўпгина тадбирлар хонадонларда амалга оширилар, умуман олганда қийинчилик учраб турарди. Эндиликда бу ерда истиқомат қилаётганларнинг орзуси ушалди, бугунги кунда маҳалла аҳли шинам, гўзал маданий-маърифий маскани яъни ўз гузарига эга бўлди.



*Суратли ахборот*

## ФАЙЗОБОДНИНГ ФАЙЗЛИ ГУЗАРИ

— Бир иш қиламан десанг, уни ҳеч ким қўллаб-қувватламаса ундан ёмони йўқ,— дейди биз билан суҳбатда Файзобод маҳалласининг оқсоқоли Тўхтапўлат ака Содиқов.— Гузар ҳашар йўли билан амалга оширилади, деб гап бошланган вақтда, бир оз чўчиган эдик. Бу ёғи қандай бўлар экан деб. 683 хонадондан иборат бўлган маҳалламиз ўзининг нимага қодир эканини амалда исботлади. Туман ҳокимлиги ва туман хайрия жамғармасининг бевосита ёрдамида бир гектардан ортиқ ташландиқ бўлиб ётган майдон ўрнида икки ой ичида маҳалла гузари қуриб битказилди. Гузар оқсоқол, котиб хоналари, ҳудуд нозири, ҳужжатлар сақланадиган хона ва хотин-қизлар кенгаши учун алоҳида хоналардан иборат. Бундан ташқари бугунги кунда гузарда кенг ва ёруғ оталар чойхонаси, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси ва ёшларнинг маданий дам олиши учун видеосалон ишлаб турибди. Яқин кунларда аёлларни иш билан таъминлаш борасида бинодаги икки хонада тикув цехини ташкил қилиш ниятидамиз. Бу ишларни амалга оширишда маҳалла фаолларидан Аълохон Азизов, Жўра Рустамов, Парпи Хоназаров, Сотволди Маматқулов, Лутфулла Содиқов, Ғани Зияевлар ўз меҳнатлари билан ёрдам бермоқдалар.

Оқила РАИМОВА.

*СУРАТДА: маҳалла гузари ҳаётидан лавҳалар. Рустам Шарипов олган суратлар.*



